



«ЎЗАГРОСУГУРТА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

МОЛ – МУЛКНИ (ЕР УСТИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ХАМДА ЧОРВА МОЛЛАРИДАН
ТАШҚАРИ) СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

2022 йил «2» феврал

13-06/011- сонли

Қарши шахри

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 00228-SF- ракамли
Лицензияси асосида фаолият олиб боровчи “Ўзагросугурта” АЖ Қарши шаҳар сугурта
маркази номидан 05.01.2022 йилдаги №5-сонли ишончнома асосида иш юритувчи
С.Б.Бобоев бир томондан, ўз Устави асосида иш юритувчи

Ҳасанхўра Абдулқодирович (ташқиқлот, корхона, хўжалик муассаса номи) . ёки
Борисов Каримов Борис (жисмоний шахс номи)

(бундан кейин матида «Сугурта килдирувчи» деб юритилади), номидан
Ҳасанхўра Абдулқодирович иккинчи томондан
қуйидаги шартлар асосида мазкур Сугурта шартномасини туздилар:

1. ШАРТНОМАДА ҚУЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ ТАВСИФИ.

Атамалар	Таъриф
1.1. Сугурталовчи	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи “Ўзагросугурта” АЖ Қарши шаҳар сугурта маркази
1.2. Сугурта килдирувчи	Мол-мулкни сугурталаш бўйича Сугурта шартномасини тузган ва Сугурта мукофотини тўловчи юридик ёки жисмоний шахс
1.3. Сугурта полиси	Сугурта мукофоти тўлангандан сунг, Сугурта килдирувчига бериладиган, Сугурталовчининг мажбуриятларини қучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
1.4. Сугурта пули	Сугурта ходисаси натижасида кўрилган зарар қийматини Сугурталовчи томонидан қоплашнинг энг юқори миқдори
1.5. Сугурта мукофоти	Сугурта килдирувчи ёки учинчи шахс (Қонун ёки шартнома асосида Сугурта килдирувчи билан боғлиқ шахс) томонидан Сугурталовчига Мол-мулкни сугурталаш учун тўланадиган миқдорий ёки хорижий валютадаги пул маблағи;
1.6. Сугурта ходисаси	Сугурта килдирувчи ёки Наф олувчига тегишли бўлган Мол-мулкнинг доимий сақланиш жойида ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, қучки, тупрокнинг чўкиши, емирилиши, ер ости сувлари, сув босиши, сел, яшин уриши, zilзила, ядро энергияси таъсири, дул, калин қор ёғиши, каттик совуқ тушиши, бузиб кириб уғирлик қилиш натижасида мол-мулк йукотилиши ёки шикастланиши;
1.7. Сугурта товони	Сугурта ходисаси натижасида Мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун сугурталовчи тарафидан Сугурта пули чегарасида Сугурта килдирувчига туланадиган пул миқдори;
1.8. Сугурта муддати	Сугурта шартномасининг (Сугурта полисининг) амал қилиш муддати. 2022 йил _____ дан 20 _____ йил _____ гача
1.9. Форс-мажор ҳолати	Фавқулодда ва олдиндан кўрилмаган характерда бўлиб, томонлар мажбуриятларини қабул қилгандан кейин келиб чиқади, ҳамда уларнинг хоҳиш продасига боғлиқ бўлмай, ақлий тадбирлар билан унинг олдини олиб бўлмайдиган ҳолат;

1.10. Мол-мулк

Сугурта килдирувчининг аризасида курсатилган Мол-мулкнинг рўйхати;

1.11. Франшиза

Сугурта килдирувчининг кўрган зарарини бир қисми бўлиб, Сугурта ходисаси натижасида Сугурталовчи зарарнинг шу қисми учун жавобгарлик олиб бормади. Франшиза икки турда бўлади: **шартли ва шартсиз.**

Шартли Франшиза - Сугурта ходисаси руй берганда, етган зарар Сугурта шартномасида белгиланган Франшиза суммасидан кам миқдорда бўлса, Сугурталовчи бу зарарни қоплашдан холи бўлади, Франшиза суммасидан ошса Сугурталовчи зарарни тулик суммасини қоплаб беради.

Шартсиз Франшиза - етган зарарнинг ҳамма ҳолларида Франшизадаги сумма зарар учун туланадиган Сугурта товони миқдоридан чегириб (олиниб) қолинади;

1.12. Абандон

Сугурта килдирувчи Сугурталовчидан Сугурта ходисаси руй берганда, Сугурта пулини тулик олиб, Сугурталовчи Мол-мулкдан Сугурталовчи ҳисобига воз кечиши.

2. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ.

2.1. Сугурталовчи, Сугурта килдирувчининг аризада кўрсатилган Мол-мулкнинг доимий сакланиш жойида Сугурта ходисаси туфайли йўқотилиши ёки шикастланиши натижасида кўрган зарарини қуйидаги қалтисликлардан сугурта қилади:

-авария, ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, қўчки, тупрокнинг чўкиши, емирилиши, ер ости сувлари, сув босиши, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири, дўл, қалин қор ёғиши, қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиши.

2.2. Сугурта килдирувчи мазкур Шартноманинг 4-бандида белгиланган Сугурта мукофотини тўлагандан сўнг, Сугурталовчи Сугурта килдирувчига ёки Наф олувчига Сугурта товонини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3. СУГУРТА ПУЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИК ДАРАЖАСИ.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Сугурта пули 7505000 (Етти миллион беш юз беш минг) сўм. аризада кўрсатилган Мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан _____ % ҳисобида.

3.2. Жавобгарлик даражаси - мазкур Шартнома бўйича зарарларни қоплаш мажбуриятининг юқори даражаси _____ (_____) сўм.

3.3. Сугурталовчи томонидан зарарни қоплаш учун тўланган Сугурта товони жавобгарлик даражасини камайтиради. Сугурта килдирувчи томонидан қўшимча Сугурта мукофоти тўланганда, жавобгарлик даражасини мазкур Шартномадаги жавобгарлик даражасигача етказиш мумкин.

3.4. Сугурта пули Сугурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, Сугурталовчи Сугурта ходисаси юз берганда Сугурта килдирувчига (Наф олувчига) у кўрган зарарни Сугурта пулининг Сугурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплайди.

Сугурта пули Сугурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома Сугурта пулининг Сугурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

4. СУГУРТА МУКОФОТИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ.

4.1. Сугурта мукофоти бир йилга Сугурта пулидан _____ % миқдорида бўлиб, Сугурта муддати учун қўшимча қиймат солигисиз _____ (_____) сўмни ташкил этади.

Мазкур Шартнома бўйича барча ҳисоботлар сўмда олиб борилади.

Сугурта мукофоти Сугурта килдирувчи томонидан қуйидаги тартибда тўланади:

а) бир вақтда - Сугурта мукофоти, Сугурта килдирувчи томонидан, Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўлиқ тўланади.

б)боскичма-боскич - биринчи тўлов _____ (_____) сўм миқдорида, мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида амалга оширилади; иккинчи тўлов _____ (_____) сўм миқдорида/ёки хорижий валютада, биринчи тўлов тўланган кундан бошлаб 20 _____ й. « _____ » _____ гача тўланади;

4.2.Сугурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда Сугурта мукофотининг ишлатилмай қолган қисми, Сугурта қилдирувчининг ёки Наф олувчининг ёзма аризаси берилган кундан бошлаб, Сугурталовчи томонидан 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

4.3.Ишлатилмаган Сугурта мукофоти, Сугурта қилдирувчи ёки Наф олувчи томонидан берилган ёзма аризаси муддати кундан бошлаб, Шартнома амал қилган кунларга мутаносиб равишда ҳисобланади. Сугурталовчи ишлаб топилмаган Сугурта мукофотини Сугурта қилдирувчининг ҳисоб рақамига 5 (беш) банк куни ичида тўлаб беради.

4.4.Ишлатилмай қолган Сугурта мукофотининг миқдори қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X=Y-ZP-C$$

Y-умумий сугурта суммаси

Z-Сугурта қилдирувчининг ёзма аризаси берилган куни билан Шартноманинг

1.10. бандига асосан Сугурта муддатининг оралиғидаги кунлар сони

P-Шартнома амалда бўлган кундаги бир кунлик Сугурта мукофоти миқдори

C-иш юритиш харажатлари (30 кунлик Сугурта мукофоти)

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУГУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ.

5.1.Мазкур Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва Сугурта муддати мобайнида амал қилади. Томонларнинг келишувига асосан қўшимча Сугурта мукофоти тўланса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

5.2.Мазкур Шартномада белгиланган Сугурта мукофоти (қалтисликлар тури ва даражасига қараб ўрнатилган) Сугурталовчининг ҳисоб-рақамига келиб тушган кундан бошлаб, Сугурталовчининг мажбуриятлари кучга киради.

5.3.Сугурталовчининг ҳисоб-рақамига Сугурта мукофоти тушган кундан бошлаб 5-кун ичида Сугурта полиси берилади.

5.4.Сугурта қилдирувчи Сугурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчига Сугурта полисини қўчирма нусхасини (дубликатини) ёзиб беради. Йўқотиб қўйилган Сугурта полиси бекор қилиниб, сугурта жавобгарлиги олиб борилмайди ва у бўйича ҳеч қандай Сугурта товони тўланмайди.

5.5.Сугурта мукофотини Сугурталовчининг ҳисоб-рақамига тушган куни, Сугурта мукофотини тўланган куни ҳисобланади. Сугурта мукофоти Шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун ичида Сугурталовчининг ҳисоб-рақамига тушмаса, Шартнома тузилмаган ҳисобланади ва бекор қилинади.

5.6.Сугурта қилдирувчи томонидан мазкур Шартноманинг белгиланган муддатларида Сугурта мукофоти тўланмаса, Сугурталовчининг Шартнома бўйича мажбуриятлари кучга қирмайди. Содир этилган ҳодисалар бўйича даво ва аризалар қўриб чиқилмайди.

Сугурталовчи Сугурта мукофоти тўланган кундан бошлаб ўт мажбуриятларини бажаришга киришади, лекин Сугурта муддати ўзгармай қолади.

5.7.Сугурталовчининг жавобгарлиги, Сугурта мукофотлари Сугурталовчининг ҳисоб-рақамига тушган кундан бошланади ва Сугурта полисида кўрсатилган муддатда тугайди.

5.8.Сугурта мукофоти кейинги боскичдаги тўлов муддатидан ўтиб кетиб тўланса ва ўтиб кетган кунлар ичида Сугурта ҳодисаси рўй берган бўлса, бу ҳолда Сугурталовчи тўланган Сугурта мукофотига мутаносиб равишда Сугурта товонини тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.

5.9.Сугурта шартномаси Сугурта қилдирувчининг ёзма аризасига асосан ҳар қандай ҳолатда ўзгартирилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки тўхтатилиши мумкин. Бундай ҳолатда, Сугурта қилдирувчи Наф олувчининг ёзма розилигини олган ҳолда, Сугурталовчини

Сугурта шартномаси бекор бўлишидан 30 (ўттиз) кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

5.10. Сугурталовчининг фаолияти тугатилган ҳолда, Сугурта шартномасининг амал қилиши ҳам тўхтатилади. Сугурта шартномасига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг қонунчилик асосида белгиланган ворисига ўтади.

6. СУГУРТА ХОДИСАСИ.

6.1. Мазкур шартномага асосан Сугурта қилдирувчи ёки Наф олувчига тегишли бўлган Мол-мулкнинг доимий сақланиш жойида аваррия, ёнгин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупрокнинг чўкиши, емирилиши, ер ости сувлари, сув босиши, сел, яшин уриши, zilзила, ядро энергияси таъсири, дўл, қалин қор ёғиши, қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш натижасида мол-мулкларнинг йўқотилиши ёки шикастланиши Сугурта ҳодисаси ҳисобланади.

6.2. Қуйидагилар Сугурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- Сугурта қилдирувчининг қўпол эҳтиётсизлиги, билиб туриб (қастдан) амалга оширган ҳатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида Мол-мулкка зарар етказилса, (Сугурта қилдирувчининг учинчи шахслар ҳаёти, саломатлиги, қадр қиммати, ор-номусини ҳимоя қилиш ёки фуқаролик бурчинини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно);

- Сугурталовчига Сугурта шартномаси тузилиш вақтида Мол-мулк ҳақида ёлгон маълумотлар берилса.

6.3. Мазкур Шартномага асосан қуйидаги сиёсий тавсифга эга бўлган ҳодисалар туфайли, Мол-мулкка етказилган зарар қисман ёки тўлиқ қопланмайди:

- уруш ва ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмагалигидан қатъий назар), ғалаён, инқилоб, кўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, локаут, ҳукуматни қонуний равишда эгаллаб олиш, террорчилик ҳаракатлари, мусодара қилиш, реквизиция, ҳукумат ёки унинг таркибий қисми ташкиригига асосан бузиб таниланиши ёки унга зарар етиши ҳаракатлари, ядро реакцияси, ядро нурланиш ёки радиоактив зарарланиши ёки побуд бўлиши ҳолатларида.

7. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ.

7.1. Сугурта ҳодисаси рўй берганда Сугурта қилдирувчи ёки Наф олувчи Сугурта ҳодисаси ва зарарланган ёки побуд бўлган Мол-мулк ҳақида Сугурталовчига 3 (уч) кун ичида ёзма равишда хабарнома беради.

7.2. Сугурталанган Мол-мулкни зарарланиши ёки побуд бўлишини келтириб чиқарувчи Сугурта ҳодисаси рўй берганда, ҳодиса асосларини аниқлаш учун комиссия ташкил қилинади. Комиссия таркибига Сугурталовчи, Сугурта қилдирувчи ва Наф олувчининг вакиллари, ҳодиса тавсифига кўра мутасадди ташкилот вакиллари, экспертлар ва бошқалар қиради.

7.3. Сугурта қилдирувчи, Сугурта ҳодисаси юз берганда Сугурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Сугурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома;
- Сугурта шартномаси;
- Сугурта полиси;
- Сугурта ҳодисаси натижасида Мол-мулкнинг зарарланган ёки побуд бўлганлигини тасдиқлаб тузилган маълумотнома ва Сугурта ҳодисаси учун айбдор юридик ёки жисмоний шахснинг тушултириш хати;

- Сугурта ҳодисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотларнинг ҳужжатлари;

- Сугурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган Сугурта ҳодисасига оид бошқа маълумотлар.

7.3. Сугурталовчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида Мол-мулкка етказилган зарар миқдори аниқланади ва маълумотнома тузилади.

7.4. Барча томонлар маълумотномага имзо чекадилар ва имзо чекин жараёнида ўтказилган маълумотномада ақс эттирадилар.

7.5. Тузилган маълумотномалар Сугурта ҳодисаси тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигини билдирмайди ва маълумотномалар асосида Сугурта товони тўланмайди.

7.6. Сугурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

7.7. Сугурта килдирувчи ҳар қандай ҳолатда ўз маблағлари ҳисобидан Сугурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни (Сугурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ва ҳодиса тафсилотлари ҳақида маълумотнома) ишлаб чиқиш, харид қилиши ва Сугурталовчига тақдим этиши шарт.

7.8. Сугурта килдирувчи Сугурта ҳодисаси содир бўлганда зарарланган мулкни таъмирлаш, сотиш, металоломга топшириш ёки бировга бериш, ёкиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Сугурталовчи билан келишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

7.9. Сугурта товони ҳақиқий етган зарар миқдорида, агар Сугурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга оlinиб, лекин шартномада белгиланган Сугурта пулидаги миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

7.10. Сугурта пули Сугурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, Сугурталовчи Сугурта ҳодисаси юз берганда Сугурта килдирувчига (Наф олувчига) у кўрган зарарни Сугурта пулининг Сугурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплайди.

Сугурта пули Сугурта қийматидан ортик бўлса, шартнома Сугурта пулининг Сугурта қийматидан ортик бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайдиган ва ушбу қисм учун Сугурта товони тўланмайдиган.

7.11. Сугурталовчи тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Сугурта ҳодисаси рўй берганлиги ёки Сугурта ҳодисаси рўй бермаганлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Сугурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга оlinиб, Сугурта товони миқдори белгиланади.

7.12. Мол-мулкка етказилган зарар натижасида аниқланган Сугурта товони Сугурта пулининг 80 фоизидан юқори миқдорда белгиланганда, Сугурта килдирувчи Абандондан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

7.13. Сугурта товони Наф олувчининг хоҳишига кўра, далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Сугурта килдирувчига ёки Наф олувчига тўлаб берилади.

7.14. Сугурта товони Сугурта шартномасига асосан Сугурта килдирувчининг ёки Наф олувчининг ҳисоб рақамига пул кучириш йўли билан ўтказиб берилади.

7.15. Сугурта ҳодисаси рўй берганда, Сугурталовчи Мол-мулкга тегишли бошқа яна амал қилинаётган Сугурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахедан Наф олувчи ёки Сугурта килдирувчи фойдасига молдий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки қопланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Сугурта товони тўлаб берилади.

8. СУБРОГАЦИЯ.

8.1. Сугурта килдирувчи ёки Наф олувчининг Сугурта ҳодисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахедан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Сугурталовчига ўтади. Сугурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан Сугурта килдирувчи, Наф олувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қондаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

8.2. Сугурта килдирувчи ёки Наф олувчи, Сугурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Сугурталовчига бериши, ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

8.3. Сугурта килдирувчи ёки Наф олувчи, Сугурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Сугурта килдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Сугурталовчи Сугурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисmini тўлашдан озод қилинади ва ортикча тўланган Сугурта товонини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.1. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

- сугурталовчи Мол-мулкнинг ҳолатини, сақланиш шароитини Сугурта шартномаси тузилиши ва амал қилиш даврида ҳамда Сугурта ҳодисаси содир бўлганда текшириши;

- Сугурта килдирувчи ёки Наф олувчи Сугурта шартномасини шартларини бажармаганда, Сугурта шартномасини бекор қилиш;

- амалдаги Қоида, ушбу шартнома ва қонунчиликда белгиланган тартибда Сугурта товонини тўлашни рад этиш;

- сугурталанган Мол-мулкларнинг йўқотилиши ёки шикастланишига айбдор шахслар аниқланган ҳолларда тўланган Сугурта товонини улардан ундириб олиш ҳақида даъво қилиш;

- Сугурта товони миқдорини аниқлаш учун Сугурта қилдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг далолатномаларини, экспертлар ҳулосаларини тақдим этишни талаб қилиш;

- Сугурта қилдирувчининг тақдим этган ҳужжатларини тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиш;

- Сугурта қилдирувчи олдидаги Сугурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилганида, Сугурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

9.2. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

- Сугурта полисини Қоидада ва Сугурта шартномасида белгиланган муддатда Сугурта қилдирувчига ёзиб бериш;

- Сугурталанган Мол-мулкнинг Сугурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома олгач, Мол-мулкга етказилган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;

- Сугурта ҳодисаси натижасида сугурталанган Мол-мулкга етказилаган зарар бўйича Сугурта товони миқдорини ҳисоблаб чиқиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

9.3. Сугурта қилдирувчининг ҳуқуқи:

- Сугурта шартномасида келишилган шартлар асосида Сугурта полисини Сугурталовчидан олиш;

- Сугурта шартномаси амал қилиш даврида Сугурта шартномасига доир саволларга Сугурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш, Қоида шартлари билан танишиш;

- Сугурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу Қоидада кўрсатилган тартибда Сугурта товонини олиш;

- Сугурта товони белгиланган муддатда тўланмаса, Сугурта шартномасида белгиланган шартлар асосида ҳар бир кечигтирилган кун учун жарима ҳақини талаб қилиш;

- Мол-мулкка етказилган зарар натижасида аниқланган Сугурта товони Сугурта пулининг 80 фоизидан юқори миқдорда белгиланганда, Сугурта қилдирувчи Абандон қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш.

9.4. Сугурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- Сугурталанган Мол-мулкни зарарланиши ёки nobud бўлишини олдини олиш учун барча чораларни кўриш;

- Сугурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриш;

- Сугурта шартномасида белгиланган муддатларда Сугурта мукофотини тўлаш;

- Сугурта ҳодисаси содир бўлганда, Сугурталовчига белгиланган муддатда, ёзма равишда хабарнома бериш ва Сугурта товонини аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим қилиш;

- Сугурта ҳодисаси рўй берганда зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Сугурталовчини таъминлаш;

- Юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда ёки жисмоний шахс вафот этганда ва унинг вориси ҳақида Сугурталовчига 10 кун ичида ёзма равишда хабарнома бериш;

- Сугурта ҳодисаси содир бўлганда Мол-мулкни таъмирлаш ва бошқа (сотиш, металлоломга бериш ва ҳоказоларни) ишларини Сугурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириш.

10. СУГУРТА ҲОДИСАСINI ТАН ОЛИНМАСЛИГИ

10.1. Қуйидаги ҳолларда Сугурталовчи Сугурта ҳодисасини тан олмаслиги ва Мол-мулкка етказилган зарар учун жавобгарлик олиб бормаслиги мумкин:

- Мол-мулк ҳақида олдиндан нотўғри маълумот берилса;

- Сугурта қилдирувчи Сугурта товонини олиш мақсадида атайлаб қилган ҳаракатлари натижасида Мол-мулкга зарар етказилса;

- Сугурта ходисаси ҳақида белгиланган муддатда хабар берилмаса;
- етказилган зарар айбдор шахс томонидан қопланган бўлса;

10.2. Қуйидаги сиёсий тавсифга эга бўлган ходисалар туфайли, Мол-мулкга етказилган зарар қисман ёки тўлиқ қопланмайди:

• уруш ва ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмагалигидан қатъий назар), галаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, локаут, ҳукуматни ноқонуний равишда эгаллаб олиш, террорчилик ҳаракатлари, мусодара қилиш, реквизиция, ҳукумат ёки унинг таркибий қисми топиригига асосан бузиб ташланиши ёки унга зарар етиши ҳаракатлари, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёки радиоактив зарарланиши ёки нобуд бўлиши ҳолатларида.

10.3. Сугурта шартномасини тузишда Сугурта пули Сугурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома Сугурта пулининг Сугурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди ва ушбу қисм учун Сугурта товони.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

Мазкур Сугурта шартномасининг шартларини бажармаганлик ёки керакли даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида белгиланган жавобгарликни тенг даражада олиб борадилар.

12. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ.

Мазкур Сугурта шартномасидан келиб чиқадиган барча баҳс ва мунозаралар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал қилинади. Келишсин имкони бўлмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонуinchилиги асосида хўжалик судига кўриб чиқилиш учун берилади.

13. БОШҚА ШАРТЛАР.

13.1. Мазкур Шартнома бўйича томонлар Шартноманинг иловаларини ва унга тегишли ҳужжатларни учинчи тарафга томонларнинг ёзма розилигисиз бермайди ва ушбу Шартномага тегишли бўлган барча маълумотларни сир сақлайдилар.

13.2. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил ҳуқуқий кучга эга.

14. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

Сугурталовчи

«Ўзгросугурта» АЖ
Қарши шаҳар сугурта маркази
Манзил: Қарши шаҳар Мустиқлик
маҳалласи И.Каримов кучаси
«Микрокредитбанк» Қарши филиали
№р 20216000900473611001 20210000900101169114
МФО 00152
СТИР: 201267817
ОКОНХ 96210
Телефонлар: 221-78-70

Қарши шаҳар сугурта маркази
бошқарувчиси  Б.Бобоев



Сугурта килдирувчи

Сугурта килдирувчи: Қашқадарь вилояти
Сирдарё 29 қарши қарши хизмати
Манзили: Қарши шаҳар
Ҳамидов кўчаси 3-чи
тел: _____ факс: _____
№р 10002156010401704211061004
СТИР 308789148
ОКОНХ _____
Телефонлар: _____
Ҳаттоки бўлинимаси номи Вилоят



Сугурта килдирувчиси СТИРи  М.Каримов